

Наврўзи олам барҳамизга муборак бўлсин!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
22 март

ПАЙШАНБА

№ 23-24 (13076-77)

www.thtp.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Жонажон юртимиз – Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу кутлуг айём – Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сиз-хат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадри дўстлар!
Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмақда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача – барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини кутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табаррук заминимизга, она диёримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳроқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўймоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари – одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқларварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз айт-

ганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз кутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!
Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбига энг гўзал ва олижаноб туйғуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва сеvimли байрамига айланади.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, равақ ва фаровонлик тилаймиз.

Қадри ва муҳтарам юртдошларим!
Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин! Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Юртимизга баҳор келди. Она замин узра қўклам насили эса бошлади. Қаҳратон совуқда мудроқ ётган довдарахт уйғониб, бугун куртак ёзди. Қуёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди. Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сизхат-

ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз сайиллари бўлиб ўтмоқда

саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиёналарига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишонч билан тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг кутлуг бўлсин! Юртимиздаги

тинчлик-омонликка кўз тегмасин!" деб кутлуг айёмга пешвоз чиқмоқда.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ҳашарлар, кенг қўлам-

даги ободонлаштириш ва қўқамзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳрмуруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан ҳабар олиш билан боғлиқ ҳайрия тадбирлари ўтказилди.

Давоми 2-бетда

Наврўз – дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши қўшнилик каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.

Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик даamlарда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлаклари очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намоёндалари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар

қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилигига эришилганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Қуруён тиловат қилинди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоятда етди.

Ў.А

«Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!»

Олмалиқ шаҳрида мана шу эзгу ғоя асосида ташкил этилган вилоят катта байрам сайлидан репортаж

Барчамиз орзиқиб кутган нафосатли баҳорнинг шу фусункор кунларида она диёримизга ўзининг файзли қадамлари билан халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрами – Наврўзи олам кириб келди. Ана шу улуг айём – Шарқона янги йилнинг бошланишини бугун вилоятимиз аҳли ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан тантана қилмоқда.



Наврўз – ободлик, тинчлик-тотувлик, миллатлараро аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган фараҳбахш айёмдир. Чор-атрофда янгиланиш, яшариш фасли ҳукмрон. Баҳорнинг танга хуш ёқувчи насимлари, оби-рахмат ёдгирувчи ёмғирлари нафақат борлиқни, балки кўнглиларни ҳам уйғотмоқда.

Бугун жаннатоманд диёримизнинг қайси бир манзилига борманг, эл-юртимиздаги азиз инсонлар, бог ва майдонларда Наврўз байрамини шоду хуррамлик билан нишонламоқдалар. Дошқозонларда

сумалаклар пишириб, дастурхонларга баҳор неъматларини тортиб, сайил-томошалар қилмоқдалар. Шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқдалар. Ўзаро меҳроқибат, саховат ва муруват кўрсатиш, табаррук кексаларимизни йўқлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, беморлар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан ҳабар олиш, ҳашарлар ўтказиб, юртимизни янада обод қилиш каби савобли ишларимиз Наврўзнинг файзига файз қўймоқда.

Президентимизнинг "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори халқимизга хос олижаноб фазилатлар, боқий қадриятларни янада ёрқинроқ тарғиб қилишга, байрам тантаналарини бутун диёримиз бўйлаб халқ сайиллари тарзида нишонлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мазкур қарорга кўра, халқимизнинг ардоқли байрами барча туман ва шаҳарларимизда, қишлоқ ва маҳаллаларимизда "Азиз ватандошлар, ҳар ку-



нингиз Наврўз бўлсин!" деган ғоя остида кўнглидагидек тантана қилинмоқда. Байрам сайилларида Наврўз қадриятлари, унинг теран фалсафалари ёрқин намоён бўлаяпти.

Кеча Олмалиқ шаҳри чинакамига улкан сайилгоҳга айланди, десак асло янглишмаймиз. Шаҳар марказий кўчаси, боғу хиёбонлар вилоятимизнинг турли ҳудудларидан байрам сайлига ташриф бу-

юрган ёшу кексалар билан кун бўйи гавжум бўлди. Бу ерда вилоятимиз аҳли учун асосий байрам тантанаси – Наврўз сайли ташкил этилди.

Дарҳақиқат, Наврўзнинг халқ сайиллари тарзида нишонланишининг жуда теран маъноси, маърифати бор. Вилоятимизда мазкур шодиёналарга тайёргарлик кўриш асосида мана шу жиҳатга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Шу мақсадда, байрамни ташкил этиш концепциясидан келиб чиққан ҳолда, миллий урф-одат, анъаналаримиз, қадимий ҳудудларимизга хос осориюқаларимиз, шунингдек, вилоятимизнинг бебаҳо табиати, диққатга сазовор жойлари, баҳорий тансиқ таомларини ўзида акс эттирган бадиий композицион дастурлар намоишига катта эъти-

бор қаратилди. Бу, ўз навбатида, сайил иштирокчиларига олам-олам завқ, баҳорий сурур бағишлади.

Эътиборлиси, байрам сайлида вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳари ўзининг "сайил ҳудудлари"ни ташкил этиб, байрам файзига файз киритишга астойдил ҳаракат қилдилар. Кўп миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётган вилоятимиз туман ва шаҳарларидаги бадиий ва фольклор жамоалар, миллий маданият марказлари ўзларини намоён этишлари, Наврўзнинг умуминсоний ғоя ва фалсафаларини баралла қуйлашлари учун бу яна бир катта имконият бўлди, дейиш мумкин.

Наврўзни улугловчи шиорлар, баҳорий гулдасталар, Наврўзга хос осориюқалар уйғунлигидега безалган сахнада халқ термалари – Наврўз қўшиқлари, жозибадор халқ ўйинлари намоиш этилди.

Вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сайил иштирокчилари ва вилоятимиз аҳлини кутлуг айём билан кутлаб, ўзининг самимий дил изҳорларини йўллади.

Дарҳақиқат, она диёримиз байрамлари ўзига ярашган юрт. Бугун дунёнинг жуда кўп минтақаларида сиёсий низо ва қонли тўқнашувлар, манфаатлар кураши тобора кескин тус олаётган, қурраи заминга терроризм, экстремизм, гўёхандлик каби жирканч иллатлар жиддий ҳавф солиб турган мураккаб ва таҳликали бир шароитда серқуёш диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳроқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарор эканини катта мамнуният ва шукроналик билан тилга олишимиз табиийдир.

Давоми 2-бетда

– Аввало, шуни қайд этиш жоизки, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ташкилий ва ҳуқуқий чораларини белгилаш ва ҳал этишда бир қатор муаммолар мавжудлиги кузатув ва ўрганишларда яққол кўзга ташланаяпти, – дейди Дониёр Каримов. – Ота-оналар томонидан фарзандларининг таълим олишини педагогик назорат қилиш даражасининг сустлиги, ёшлар билан ишловчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг масъулият даражасини белгилочи ва уларга мажбурият юкловчи қонун нормаларининг ягона тизими мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир. Мана бу статистикага эътибор беринг: ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг 62,2 фоизи бўш вақтларини кўчада ўтказишаркан.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқбузарликларини баҳолашда уларнинг юзага келишига таъсир этувчи омилларни инобатга олиш, у ёки бу ҳудудда маълум бир турдаги, айниқса, оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи жиноятларнинг сабабларини таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, ёшлар жиноятчилигининг ахборот-таҳлил ишлари камида 3-5 йиллик даврни қамраб олиши лозим.

– Ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тизимининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан профилактика хизматлари фаолиятининг тўғри ташкил этилишига, ички ишлар идораларининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Шундай эмасми?

– Шубҳасиз. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш – бутун жамиятнинг вазифаси. Аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланиши бор гап. Тарбияси оғир ўсмир – ахлоқдан қайта тарбияланишга муҳтож шахсдир. Агар бу жараёнда кенг жамоатчилик бетаъриф турса, тарбияси оғир ўсмирлар педагогик ва ижтимоий беқарорлигининг навбатдаги босқичига ўтадилар. Дастлабки ҳуқуқбузарликларнинг акс-садосиз қолиши ўсмирда қонун талабларига бепасандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги муҳим муаммолардан яна бири шундан иборатки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарлик содир этганидан кейин тушадилар. Ёшларнинг гайри-ижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳолларини батамом бартараф этишимиз

Дониёр КАРИМОВ: «ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – БУТУН ЖАМИЯТНИНГ ВАЗИФАСИ...»



зарур.

– Тарбия, аввало, оиладан бошланади. Бугунги ота-оналарнинг бола тарбиясидаги ўрнини қандай баҳолаган бўлардингиз?

– Ота-оналарнинг болалар тарбиясига масъулиги Ўзбекистон Конституциясининг 64-моддасида қайд этилган. Унга кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Бироқ, вояга етма-

ганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил қилинганда, ота-оналарнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз эканлиги, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олма-ликлари аниқланди. Ёшлар ўртасида бугунги кунда иттифоқсизлик, ота-оналарга қулоқ солмаслик иллати шаклланиб бормоқда. Тадқиқотлар натижасида ёшлар (кўпроқ 20 ёшдан ошганлар) ота-онанинг топ-

қандай бўлаяпти? Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

– Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топганига 7 ойдан ошган бўлса, шу вақт оралиғида ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида бир қатор ижобий тажрибалар тўпланди, дейишга асосларимиз бор. Аввало, ёшлар жиноятчилигини аниқ ва мунтазам таҳлилий статистикаси шакллантирилди. Бу жиноятчилик ошган ҳу-

нинг жорий этилганлигидир. 2017 йилнинг 29 декабрь кунин Республика Олий суди ва Ёшлар иттифоқи ўртасида жиноят иши судда қўрилаганда ёшларнинг шахсини, оилани шариоитини, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш ҳамда ушбу шахсга қафолат хати бериш тартибини белгилувчи қоидалар тасдиқланди. Шунга мувофиқ, бугунгача адашиб жиноят йўлига кирган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги бўлган 27 нафар ёш "Ёшлар

далар савдоси билан боғлиқ жиноятлар учраганини ҳеч нарсаси билан оқлаб бўлмайди, албатта. Жиноят содир этганларнинг ижтимоий аҳоли ўрганилганда, уларнинг 10 нафари ота ё онасиз оилаларда ўсаяпти, 12 нафари васий қарамоғида экани, 17 нафарининг ота-онаси ишлаш мақсадида узоқ муддатга бошқа ҳудудларга кетганлиги, 14 нафарининг ота-онасининг ўзи ҳам ички ишлар органларида профилактик ҳисобда туриши аниқланди.

– Ўз-ўзидан гап яна юқорида мулоҳаза юритганимиз – тарбияда оила муҳитининг ўрнига бориб такаляпти...

– Аслида ҳам шундай-да. Айни пайтда мавжуд аҳоли ўнглаш бўйича жиддий ва таъсирчан чоралар қўрилаяпти. Ўқувчиларнинг узрли сабабларсиз дарс машғулотларига келмаслик ёки мунтазам равишда қатнашмаслик ҳолатларининг ҳақиқий сабаблари аниқланаяпти. Ота-оналарга қўрилаганда таъсир чораларини кескин қучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган. Агарда ўқитувчилар томонидан дарсга қатнашмаган ўқувчилар тўғрисидаги маълумотларни яшириш, атайлаб нотўғри кўрсатиш, синф журналларида дарсга келмаган ўқувчиларни машғулотларга қатнашмаётганлиги тўғрисида белги қўйиш ёки бошқа сабаблар билан ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашмасдан юришига шароит яратиб бериш ҳолатлари аниқланган тақдирда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда муҳокама қилиниб, тегишли чоралар қўлланилади. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни, у ерда яшаётган вояга етмаганларнинг турмуш тарзини мунтазам ўрганиб бориш, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни аниқлаб, маҳаллаларда, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда муҳокама-сини таъминлаш ҳам ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда ўзининг ижобий самарасини беради.

– Сўзимиз якунида шуни таъкидлаш жоизки, – дея суҳбатга якун ясади Дониёр Каримов. – Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ёшлар сиёсати юртимиз ёшларининг эртанги осойишта ва фаровон турмуши, уларнинг барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларининг мустақкам қафолати бўлиб хизмат қилади. Аминмизки, бу борада, авваламбор, ёшларимизнинг ўзлари ишончга лойиқ ва ташаббускор бўлишди.

Алишер РАҲМАТОВ
суҳбатлашди

Долзарб мавзу

ширигини бажармаслиги, ҳатто уларга нисбатан куч ишлатган ҳолатлар ҳам борлиги аниқланди.

Фарзанд ниҳолга ўхшайди. Уни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда, албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдиэлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим.

– Бу жараёнда бевосита ўзингиз фаолият юритаётган нуфузли ташкилотнинг ўрни

Мавзуга доир

Тўсиқдан қандай ўтилади?..

Мамлакатимиз темир-йўл тизимида кенг қўлам-ли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, темирйўл транспортти жаҳон андозаларига мослаштирилиб, замонавий вокзаллар барпо этилмоқда.

"Темирйўл ҳудудида оғоҳ бўлинг, талаба!" мавзусида Зангиота агросер-

вис касб-хунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатидида шулар ҳақида сўз юритилди. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ мута-саддилари, ички ишлар ходимлари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда ёшларни оғоҳликка чақириш, поездлар ҳаракати хавфсизли-

гини таъминлаш, темир йўлдан ўтаётганда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш бўйича тушунча ва маълумотлар берилди. – Айрим ёшлар белгиланган жойдан эмас, темирйўл чегарасидаги панжара ёки бетон тўсиқ устидан сакраб ўтиб, бахтсиз ҳодисага учрамоқда, – дейди коллеж

директори Акмал Аҳмедов. – Бу каби кўнгилсизликларни бартараф этиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қафолат хатлари олинапти.

Давра суҳбати якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилардан атроф-лича жавоб олишди.

Ўз мухбири

КАРАМ ГҮЛ ЎРАДИ – ЧҲНТАК ПУЛ КҲРАДИ



Пискент туманидаги Навоий номли маҳаллада яшовчи Асрор Абдуҷабборов деҳқончиликка болалигидан меҳр қўйди. Отасидан соҳа сирларини кўп билан ўрганди. Йиллар давомида тўплаган тажрибаси ердан унумли фойдаланиб, яхши даромад олишда қўл келмоқда. У томорқасида 8 сотихли иссиқхона ташкил қилиб, турли экинлар парвариши билан шугулланиб келади.

Томорқа маданияти

– Икки йилдан бери гул-карамнинг янги намини етиштириб келмоқдамиз, – дейди А. Абдуҷабборов. – Ҳозир иссиқхонамизда 1 минг 200 тул шу ўсимлик қўчати бор. Унинг ҳар бири 300-500 граммгача ҳосил беради.

Ишнинг кўзини билган Асрор ака фақат гулқарам билан чегараланиб қолмаган. Иссиқхонасининг бир

қисмида булғор қалампери ва помидор кўчати етиштирилаяпти. Тез орада бу кўчатлар тайёр бўлиб, сотувга чиқарилади. У томорқасидан йилга 30 миллионга яқин даромад олади. А. Абдуҷабборов келажакда қўшимча ер олиб, тарвуз етиштиришга бўлжаланган иссиқхона барпо этишни режалаштирган.

Ушбу маҳалла ҳудудидаги

қўллаб хонадонларда турли ҳажмдаги иссиқхоналар мавжуд. Жумладан, Саидазим-хон Мансуровнинг уйидаги 2 сотихли иссиқхонада қўлпана етиштирилади. Томорқа эгасининг айтишича, ушбу иссиқхонада бир йилда 400 килограмм атрофида ҳосил олинади.

Шу ерда яшовчи Анвар Саидбурхоновнинг иссиқхонасида саримсоқпиез яшнаб турибди. Ҳадемай унинг ҳосилини йиғиштириб, ўрнига булғор қалампери ўтказилади. Негаки, у томорқасидан йилга 3-4 марта ҳосил олиш ниятида.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

Азалдан юртимизда байрамларга катта тайёргарлик қўрилиб, ободончилик, озодалик, саранжом-саришта-ликка алоҳида эътибор қаратилган.

Анбанага кўра, бу йил ҳам бу масала барча юртдошларимизнинг диққат марказида бўлди.

Кўни кеча бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида вилоятимиз ахли ҳам фаол иштирок этди. "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини орас-талаш, вилоятимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхши-лаш ҳамда шарқона янги йилнинг бошланиши – Наврўз айёмини муно-сиб қўтиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик қўриш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда барча давлат ва жамоат ташкилотлари, ма-ҳалла ахли, нурунийлар, ёшлар итти-фоқи аъзолари фаоллик кўрсатди.

Маълумотларга кўра, ҳашарда ша-ҳар ва туманларимиздан қарийб 503 минг фуқаро иштирок этган. Унинг 341 минг нафардан зиёди ёшлардир. Ҳашар кунлари қарийб 273 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 268 километрдан зиёд узунлидаги ариқ-зовур ва ло-тоқлар тозаланиб, беш юзга яқин зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Тўрт юз элликка яқин махсус техника воситалари ёрдами-да қарийб 344 тонна маийий ва қури-лиш чиқиндисини белгиланган жойлар-га чиқариб ташланди. Тураржой мас-сивлари ва маҳаллалардаги 274 минг дондан ортиқ дарахтга шакл берил-ди. Уч юз эллик минг дондан ортиқ мева-ли ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

– Ободонлаштириш ва қўқалам-зорлаштириш ойлари доирасида гу-манитар соҳада ҳам бир қатор тад-бирларни амалга ошириш кўзда ту-тилган, – дейди вилоят маҳаллалар кенгаши раисининг ўринбосари Ну-риддин Мирзақуллов. – Хусусан, иж-тимоий ғимояга муҳтож икки минг нафардан, шундан 600 нафардан

КҲНГИЛЛАР ОБОД – МАНЗИЛЛАР ОБОД

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам 18-19 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди



зиёд ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз кексаларга ҳомийлар томони-дан мурувват ёрдами кўрсатилади. Бир ярим мингга яқин кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилади. Ушбу мақсадларга икки юз миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирили-ши режалаштирилган.

Зангиота туманидаги "Файз" ма-ҳалласида ҳам ҳашар кўтаринки руҳ-да ўтди. Маҳалла ҳудудидан ўтган икки йўллар бўйига, яқинда ташкил этилган болалар ўйингоҳига икки юз тупга яқин мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Боқув-чисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманлари-да кўтаринки ва юксак савияда ўтқа-зилган умумхалқ хайрия ҳашари узоқ-яқин манзилларга ободлик та-роватини бахш этди.

Ўз мухбири



Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар

Реклама ҳуқуқи асосида

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

ватандошларимизни миллий қадриятимиз тимсоли,
меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик рамзи бўлган

Наврӯзи олам

билан қутлайди.

Баҳорнинг ташрифи, Она табиатнинг уйғониши
барчамизга муборак бўлсин, азизлар!



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали

Сиз, азизларни яшариш ва
янгиланиш байрами —

Наврӯзи олам

билан муборакбод этади!
Ишларингизга ривож, оилангизга
бахт ва омад тилайди.



Қибрай тумани халқ таълими бўлими

қадрли юрtdошларимизни,
хусусан, таълим ва фан фидойиларини

Наврӯз байрами

билан қизгин қутлайди!

Баҳорий кайфият, эртанги
кунга ишонч ва эзгу ниятлар, оилавий
бахту саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



Тошкент вилояти «СУВОҚОВА» ДУК

барча юрtdошларимизни

Наврӯз айёми

билан самимий муборакбод этади.
Азизлар! Яшариш ва янгиланиш фаслининг
мунаввар лаҳзаларида жисму жонингиз
саломат, толеингиз баланд бўлсин!

